



Ислом Нури

Мусо ибн Мухаммад Захроний
«Сайдул фавоид» веб саҳифасидан олинди
Вадуд Ахмад таржимаси

Бир йигит Мадина Ислом университетини тамомлади. Охирги имтихонларни яхши топшириб, дипломни ҳам кўлига олди. Ишга жойлашиш учун кўпгина ташкилот ва ҳукумат идораларига кириб кўрди. Афсуски, уринишлари зое кетиб, биронта даргоҳга ишга жойлаша олмади... Лекин, бу йигит покизадан покиза шаҳар бўлмиш Мадинаи мунавварадан ташкарида яшамасликни, ундан чикмасликни дилига маҳкам тукканди.

Ахир, бу покиза суюкли шаҳарда умр кечириш лаззатини тотиб кўрган инсон бу макондан ҳеч ажралгиси келадими?!

Ахир, бу шаҳарни кезган инсон ҳар бир қаричида пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қолган ва у зотнинг асҳоблари розияллоҳи анҳумдан қолган эсталикларни кўради-ку!

Ахир, бу шаҳарда умргузаронлик қилиш билан Росулulloҳнинг ушбу муборақ ҳадислари аҳлидан бўлиш умиди ҳам борку:

«Қимқи Мадинада вафот этишга қодир бўлса, шундай қилсин. Албатта мен бу шаҳарда вафот этган кишини шафоат қиламан.»(Ахмад, Термизий, ибн Хиббон, ибн Можалар ибн Умардан ривоят қилган саҳих ҳадис. Саҳихул Жомеъ 6-жилд, 6105-ҳадис).

Нихоят, йигит бир қуни таникли фозил устозлардан бирининг олдиға борди... Уларға қарасангиз Аллоҳни эслайсиз... Сўзларни тингласангиз, Аллоҳдан кўркишини биласиз...



Ислом Нури

Йигитнинг ўзи хикояни шундай давом эттиради:

«Шайхнинг хузурига бориб, у кишидан сўрадим: «Шайх, Мени бирор ишга олувчига йўллаб кўйсангиз? Балким, сиз кўпчиликни танийсиз, бирор танишларингиз бордир? Менинг каршимда ҳамма эшиклар ёпилди! Шахарда мен кокмаган биронта эшик колмади, бари бефойда. Мен эса Мадинадан чикишни асло истамайман».

Шайх нима дер эканлар деб унинг юзига тикилдим.

Шунда шайх хотиржамлик билан жавоб бердилар:

«Ха, мен сени ишга оладиганни биламан» — дедилар.

Дарров-а!!! Шошиб колдим. Бирдан хурсанд бўлиб, юзимга табассум югурди.

«Аллоҳ рози бўлсин сиздан, ким экан у, билмас бўладими?...» дедим.

Шайх: **«У - Аллоҳ азза ва жалладир!!»** деб жавоб бердилар.

Тилимга бирон сўз келмай, бироз жим колдим...

Шайх менга тикилиб: «Ажабо, агар мен хозир сенга фалончи вазир ёки фалончи амалдор киши деганимда албатта хурсанд бўлган бўлардинг? Барча нарсанинг эгалиги кўлида бўлган ва барча нарсага Кодир, еру осмон мулклари кўлида бўлган Зотни айтган чоғимда, юзинг ўзгариб колганини кўраяпман.... Сенинг Аллоҳнинг ушбу оятидаги ваъдасида шубханг борга ўхшайди:

«Осмонда эса сизларнинг ризку рўзларингиз ва сизларга ваъда



килинаётган нарса бордир» (Аззориёт: 22).

Яна шайх давом этдилар: «Ўглим! Сен бомдоддан бир соат олдин масжиди набавийга боргин. Туннинг учинчи кисмида ва сахар чоғларида Аллоҳга илтижо килиб, астойдил хожатингни сўрагин. Ишонаманки, Аллоҳ сенинг хожатингни раво килиб, ишингни ўнглайди.»

Йигит хикояни давом эттириб, шундай дейди: «У кишининг сўзларидан жуда каттик хижолат тортиб кетдим... Шайх билан хайрлашиб, чикиб кетдим... Соатим кўнгирогини тунги соат учга кўйиб, уйкуга кетдим. Уйгонгач, тахорат олдим. Кейин ўзимда жўш уриб турган, таърифлаб беролмайдиганим кучли Йймон харорати билан масжиди набавийга йўл олдим...

Масжидга кириб, Аллоҳ такдир килганича намоз ўқидим... Кўлимни осмонга кўртариб дуо килмокчи бўлдим. Бирок, кўтаролмадим... Ййги голиб келиб, ўзимни тута олмай хўнграб юбордим... Хатто, рухим танамдан чикиб кетади деб хам гумон килдим. Ййгим билан атрофимдагиларга хам озор бердим. Аллоҳ таолога атиги бир неча сўзлар билангина дуо килдим, холос. Аллоҳ калблар ичидаги нарсаларни билувчи Зотдир...

Намозхонлар билан бомдодни ўқидим... Намоздан кейин олимлардан бирининг дарсида хозир бўлдим. Кейин эса, Аллоҳдан ўзга хамма нарсани ёдимдан чиқарганимча, дунёвий ишларим ва муаммоларимни унутиб, уйимга жўнадим...

Уйга кетаяпману, кимдир менга мана бу кўчадан юргин деяётгандек бўлаверди. Ўша кўчага бурилдим. Бу мен бирон марта юрмаган



йўналиш эди. Тўсатдан рўпарамдан ҳукумат идораларидан бири чикиб колди. Мен у ерга мурожаат килмагандим. Ўзимга ўзим: кел, шулардан ҳам менга лойик бирор иш топиладими деб сўраб кўрсам мендан нима кетади — дедим. Машинамдан тушиб, идорага кириб бордим. У ерда мени бир киши илик каршилади. Мени танимаса ҳам юзида табассум билан кўришди.

Салом-алиқдан сўнг, мен сўз бошладим: «Биродар, бу ерда мен ҳеч кимни танимайман. Агар ажр-савоб умидида менга ёрдам килмокчи бўлсангиз, мана бу менинг хужжатларим, дипломларим. Мен анчадан буён иш кидириб юрибман, лекин, ханузгача топа олганим йўк » дедим.

У киши хужжатларим билан танишиб чиккач, столининг устига икки кўлини тираб, ўрнидан турди ва менга караб:

«Субханаллоҳ... Биз қачондан бери сизга ўхшаш мутахассисликка эга ходимларни кидириб юргандик... Каерда эдингиз, дўстим? Каердан пайдо бўлиб колдингиз? Худо хохлаसा, хозирок ишга олинасиз»

«Ўриндикдан туриб, шу хонанинг ўзидаёқ Аллоҳ таолога шукр саждаси килдим... Кўзим ёшга тўлиб кетганди... Шайхнинг сўзларини эслаб, уни такрорлардим: **«У - Аллоҳ азза ва жалладир!! У - Аллоҳ азза ва жалладир!!»**

2003-24-08